

**“ИШҚ” КОНЦЕПТИНИНГ ЭПИСТЕМОЛОГИК ФУНКЦИЯСИ:
ИРФОНИЙ МАЪРИФАТ ВА ПОЭТИК БИЛИШ ЎРТАСИДАГИ
ТРАНСГРЕССИВ ЧЕГАРА (ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19674124>

Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич,

фалсафа фанлари доктори(DSc),

ISFT институти “Гуманитар ва табиий фанлар” кафедраси профессори

(Ўзбекистон, Тошкент)

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Мустаев Руслан Дамирович,

Фаргона давлат университети Ҳарбий таълим факультети бошлигининг ўқув

ишлари бўйича ўринбосари,

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

rm31082209@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0000-1796-4816>

Аннотация

“Ишқ” концептининг тадқиқидаги энг мураккаб масалалардан бири – унинг билиш (эпистемология) тизимидаги ўрнини аниқлашдир. Агар фалсафий анъанада билиш ақл (ratio) орқали амалга ошса, ирфоний тафаккурда билишнинг марказий механизми сифатида айнан *ишқ* намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, ишқ – фақат ҳис-туйғу эмас, балки маърифатга олиб борувчи онтологик-эпистемик воситадир.

Бироқ, бу ерда фундаментал муаммо юзага келади: ишқ орқали билиш мумкин бўлса, у қандай билиш турига киради? У рационалми, иррационалми ёки поэтик-символик билиш шаклими?

Форс-тожик ирфоний шеъриятида “ишқ” концепти фақат мавзунлик ёки ҳис-туйғу эмас, балки поэтик ва семиотик жараён сифатида ўрганилиши зарур. Бу жараёнда ишқ – рамзий матн объекти, маъшук – семиотик узел, мажоз ва ҳақиқат бинарлиги – интерпретация механизмларидир.

Мазкур мақолада ишқ концептининг эпистемологик функцияси, рамзий поэтика орқали маъно яратиш механизми ва унинг семиотик ортикчалиги филологик – поэтик дискурс доирасида фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинади.

Калит сўзлар

Ишқ, концепт, “ишқ” концепти, эпистемология, эпистемологик функция, Ирфон, ирфоний маърифат, билиш, поэтик билиш, поэтик образ, рамзий поэтика, маъно, маъно яратиш, рамзий маъно, герменевтика, таҳлил, фалсафий таҳлил, талкин, тил, поэтик тил, рамз, метафора ва аллегория, семиотика, семиотик ортиқчалик, символик маъно, символик кодлар.

EPISTEMOLOGICAL FUNCTION OF THE CONCEPT "LOVE": THE TRANSGRESSIVE BORDER IRFAN SCIENTIFIC ENLIGHTENMENT AND POETIC KNOWLEDGE (PHILOSOPHICAL ANALYSIS)

Kholmuminov Jafar Muhammadiyevich,

Doctor of Philosophical sciences (DSc),

Professor of the Department of “Humanities and Natural Sciences”

ISFT Institute (Uzbekistan, Tashkent)

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Mustaev Ruslan Damirovich,

*Deputy Head of the Faculty of Military Education of Fergana State University
for Academic Affairs,*

doctor of philosophy (PhD) in philosophical sciences

rm31082209@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0000-1796-4816>

Abstract

One of the most complex issues in researching the concept of "love" is determining its place in the system of cognition (epistemology). If in the philosophical tradition, cognition is carried out through reason (ratio), then in mystical thinking, it is love that appears as the central mechanism of knowledge. From this perspective, love is not just a feeling, but an ontological-epistemic means leading to enlightenment.

However, a fundamental problem arises here: if knowledge is possible through love, then what kind of knowledge does it belong to? Is it a rational, irrational, or poetic-symbolic form of cognition?

In Persian-Tajik mystical poetry, the concept of "love" should be studied not only as a melody or feeling but also as a poetic and semiotic process. In this

process, love is the object of the symbolic text, the beloved is the semiotic node, and the duality of metaphor and truth is the mechanism of interpretation.

In this article, the epistemological function of the concept of love, the mechanism of meaning creation through symbolic poetics, and its semiotic redundancy are analyzed from a philosophical perspective within the framework of philological-poetic discourse.

Keywords

love, concept, concept "love," epistemology, epistemological function, knowledge, poetic knowledge, poetic image, symbolic poetics, meaning, meaning creation, symbolic meaning, hermeneutics, analysis, philosophical analysis, interpretation, language, poetic language, symbol, metaphor and allegory, semiotics, semiotic excess, symbolic meaning, symbolic codes.

ЭПИСТЕМОЛОГИЧЕСКАЯ ФУНКЦИЯ КОНЦЕПТА "ЛЮБОВЬ": ТРАНСГРЕССИВНАЯ ГРАНИЦА СУФИЙСКИМ ПРОСВЕЩЕНИЕМ И ПОЭТИЧЕСКИМ ПОЗНАНИЕМ (ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ)

Холмуминов Джафар Мухаммадиевич,

доктор философских наук (DSc),

профессор кафедры «Гуманитарных и естественных наук»

Института ISFT (Узбекистан, Ташкент)

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Мустаев Руслан Дамирович,

заместитель начальника факультета военного образования

Ферганского государственного университета

по учебным делам,

доктор философии по философских наук (PhD)

rm31082209@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0000-1796-4816>

Аннотация

Одним из самых сложных вопросов в исследовании концепта «любовь» является определение его места в системе познания (эпистемологии). Если в философской традиции познание осуществляется через разум (ratio), то в мистическом мышлении именно любовь предстает в качестве центрального

механизма познания. С этой точки зрения, любовь – это не просто чувство, а онтолого-эпистемическое средство, ведущее к просвещению.

Однако здесь возникает фундаментальная проблема: если познание возможно через любовь, то к какому виду познания оно относится? Является ли она рациональной, иррациональной или поэтико-символической формой познания?

В персидско-таджикской мистической поэзии концепт «любовь» следует изучать не только как мелодию или чувство, но и как поэтический и семиотический процесс. В этом процессе любовь является объектом символического текста, возлюбленный – семиотическим узлом, а бинарность метафоры и истины – механизмами интерпретации.

В данной статье эпистемологическая функция концепта любви, механизм создания смысла через символическую поэтику и его семиотическая избыточность анализируются с философской точки зрения в рамках филолого-поэтического дискурса.

Ключевые слова

любовь, концепт, концепт «любовь», эпистемология, эпистемологическая функция, знание, поэтическое знание, поэтический образ, символическая поэтика, значение, создание смысла, символическое значение, герменевтика, анализ, философский анализ, толкование, язык, поэтический язык, символ, метафора и аллегория, семиотика, семиотический избыток, символическое значение, символические коды.

1. Ирфоний маърифатда ишқ:

билишнинг нораціонал модели.

Тасаввуфда *ишқ* билишнинг энг олий шакли сифатида қаралади. Бу ерда билиш ақл орқали эмас, балки “завқ”, “кашф”, “ҳол” орқали амалга ошади. Ибн Арабий шундай ёзади:

“المعرفة لا تُنال بالعقل بل بالذوق”

Яъни: “Маърифат ақл билан эмас, завқ билан қўлга киритилади”. [3:112]

Бу фикр *ишқ*ни билишнинг ирраціонал механизми сифатида белгилайди. Демак, ишқ – бу таджикот объекти эмас, балки билишнинг

ӯзидир. У “Маснавийи маънавий” ва “Девони Шамс” ғазалларида ишқнинг юзлаб таърифни берар экан, ҳар жой-ҳар жойда ишқни маърифат этиш – билиш, англаш ва идрок этишга ҳам даъват этади. Шунингдек, ишқни билишнинг нораціонал модели сифатида тақдим этади. Жумладан, куйидаги байтда “ошиқларнинг миллату мазҳаби Худо эканлиги” ҳақидаги фикр билан ишқ билишнинг нораціонал тафаккур тарзи эканлигини кўрсатади:

ملت عشق از همه دین ها جداست

عاشقان را ملت و مذهب خداست

[14: 2,1770]

Румий бадий-ирфоний тафаккурида ишқ – билишнинг нораціонал моделидир. Буни поэтик шаклда ифода этиб шундай дейди:

عشق از پی آن باید تا سوی فلک پرد

عقل از پی آن باید تا علم و ادب بیند

[13: 617]

Мазмуни: *Ишқ шунинг учун керакки, фалакка учсин,*

Ақл шунинг учун керакки, илм ва адабни ўргансин.

(Девони Шамс, 617- ғазал)

Бу ерда *ишқ* ва *ақл* ўртасидаги зиддият очик кўринади: ишқ ақлни инкор этади ва унинг ўрнини эгаллайди. Бирок, филологик нуктаи назардан бу ерда муҳим савол туғилади: агар *ишқ* билиш бўлса, у қандай қилиб тил орқали ифода этилади? Чунки ҳар қандай билиш, охир-оқибат вербализация орқали намоён бўлади.

2. Поэтик билиш: ишқнинг вербализацияси ва унинг чегаралари.

Ирфоний тажрибада *ишқ* тўғридан-тўғри тил орқали ифода этиб бўлмайдиган ҳодиса сифатида қаралади. Шу сабабли у поэтик шаклда – *рамз*, *метафора* ва *аллегория*лар орқали ифодаланади. Шайх Фаридиддин Аттор айтганидай:

“آنچه گفتنی است در گفتن نیاید”

Мазмуни: “Айтиладиган нарса сўзга сиғмайди” [1:56]. Бу фикр *ишқ* тажрибасининг вербал инқирозини кўрсатади: маъно бор, аммо у тўлик ифода қилинмайди. Шу нуқтаи назардан, поэтик тил – бу маънони аниқ етказиш воситаси эмас, балки маънони ишлаб чиқариш (production of meaning) механизми ҳисобланади. Яъни, шеъриятда *ишқ* тайёр маъно эмас, балки ўқувчи ё шарҳловчи томонидан қайта яратиладиган семантик жараёнدير. *Ишқ*нинг оддий тил билан ифодалаб бўлмайдиган ҳодиса эканлигини Мавлоно Жалолиддин Балхий-Румий шундай ифодалайди:

Ҳар чи гўям ишқро шарҳу баён,
Чун ба ишқ омад, хижил бошам аз он.
Гарчи тафсири забон равшангар аст,
Лек ишқи безабон равшангар аст.
[5:100]

Мазмуни: *Ишқни қанчалик шарҳу баён айламай, ишққа етганда хижолат бўлиб қоламан. Агарчи тил билан тафсир қилиш (тушунтириш) (мазмунни) ойдинлаштирса-да, тилсиз бўлган ишқ тушунарлироқдир.*

Алишер Навоий ҳам “Ишқни шарҳ этмак учун тил ожиздур”, дейди [4:132].

Бу ерда *ишқ* васфи ва шарҳида тилнинг чекланганлиги очик таъкидланмоқда. Демак, *ишқ*ни англаш учун оддий денотатив тил етарли эмас, у фақат поэтик кодлар орқали англашилади.

3. Семиотик нуқтаи назар: “ишқ” концепти белги тизими сифатида.

Филологияда *ишқ*ни тадқиқ этиш унинг белги (sign) сифатидаги табиатини ўрганишни ҳам талаб қилади. Яъни, *ишқ* – бу фақат маъно эмас, балки маълум бир семиотик тизим ҳамдир.

Мумтоз шеъриятда *ишқ* қўйидаги образлар орқали кодланади: *май* (*шароб*), *соқий*, *майхона*, *маъшук*, *оташ* (*олов*)... Бу кодлар интихосиз бўлиши мумкин. Негаки, бир шоир уни бир неча хил кодлаши мумкин. Бу ҳолатни айниқса, Саъдий, Румий, Ҳофиз, Жомий, Навоий ва Бедил каби улуғ ориф

шоирлар ижодида кузатиш мумкин. Масалан, Мавлоно Румий ишқни “бутун борлиқ ҳаракатининг манбаи” деб таърифлайди:

جنبش خلقان ز عشق ، جنبش عشق از ازل
رقص هوا از فلک ، رقص درخت از هواست
.[13: 3]

Мазмуни: Борлиқнинг ҳаракати ишқдан, ишқнинг ҳаракати азалдан, ҳавонинг рақси фалакдан, дарахтнинг рақси ҳаводан.

(Румий, Девони Шамс, 3-ғазал)

Румий бошқа бир ўринда ишқни “борлиқнинг камоли”, деб атайди:

چون آيينه است عالم ، نقش کمال عشق است
ای مردمان که دیده است جزوی ز کل زیاده
[13:2389]

Мазмуни: Олам кўзгу кабидир, ундаги нақш эса ишқнинг камолидир.

Эй одамлар, бутундан ортиқ бўлакни кимдир кўрганми?

(Румий, Девони Шамс, 2389-ғазал)

Мавлоно яна бир ўринда “ишқ”ни “бедаво дард” деб таърифлайди:

ای عشق پیش هر کسی نام و لقب داری بسی
من دوش نام دیگر ت کردم که درد بی دوا
[13: 5]

Мазмуни:

Эй ишқ, ҳар ким сенга бир ном ва лақаб берар

Аммо мен сенга янги ном бердим: давоси йўқ дард.

(Девони Шамс, 5-ғазал)

Ҳофиз Шерозий ғазалларида ҳам “бода” (май, шароб)дан мақсад “ишқ” дир:

Соқй ар бода аз ин даст ба чом андозад,

Орифонро ҳама дар шурби мудом андозад. [2:166]

Мазмуни: “Агар соқий шу қўл билан майни жом (қадах)га қуйса, орифларни доимий мастлик ҳолига туширади” (Девони Ҳофиз, 1370, с.166.)

Бу ерда “май” – *ишқ*нинг рамзий ифодаси. У тўғридан-тўғри маънони эмас, балки *ишқ* ҳолатини билдиради. Шу нуқтаи назардан, “ишқ” концепти денотатив эмас, балки коннотатив ва символик табиатга эга. Демак, уни тушуниш учун лингвистик эмас, балки семиотик ва герменевтик таҳлил зарур.

4. Рамзий поэтика: ишқнинг символик кодлари.

Форс-тожик шеърятда *ишқ*нинг поэтик ифодаси кўпинча рамзлар ва аллегориялар орқали амалга оширилади. Бу рамзлар мутаносиблик (correspondence) ва символик иерархия орқали маъно яратади. Бу ерда “май” мажозий маънода *дунёвий ишқ*, символик маънода *илоҳий ишқ*нинг рамзи сифатида қўлланилган.

Ҳофиз Шерозий таъбири билан айтганда, ишқ – сир-синоатлар ва рамзлар оламидир:

و مشنوبید گویند رمز عشق مگویند
مشکل حکایتی است که تقریر می کنند

[8:200]

Мазмуни: *Айтадиларки, ишқ сирини сўзламанг, эшитманг. Бу масала шунчалик мушкулки, уни сўз билан ифодалаб бўлмайди.*(Девон,200- газал)

Шунингдек, рамзий поэтика *ишқ*нинг маъносини матндан ташқари яратишга, уни фақат ўқувчи орқали қабул қилинишига имкон беради.

5. Маъно ишлаб чиқариш механизми: ўқувчи ва матн ўртасидаги интеракция.

Филологик таҳлил шуни кўрсатадики, “ишқ” концепти фаол маъно ишлаб чиқариш жараёнига асосланади. Бу жараёнда матн – символлар ва образлар тўшлами, ўқувчи – интерпретатор, маъно – динамик жараён натижасидир. Аннемарие Шиммелл таъкидлайди: “Mystical poetry creates meaning in the reader’s consciousness” [11:48]. Яъни: “Ирфоний шеърят ўқувчи онгида маъно яратади”.

Демак, *маъно* матнда тайёр ҳолда берилмайди, балки поэтик рамз – шифрланган белгилар тизими, ўқувчи ёки шарҳловчи тажрибаси – дешифровка ва қайта конструкция қилиш, маъно ортиқчалиги (surplus of meaning) – семиотик ортиқчалик сифатида пайдо бўлади. Рикёрнинг фикрига кўра, символлар фақат фикрлашга эмас, балки *маъно* яратишга ҳам мажбур қилади [10:15].

6. Семиотик ортиқчалик: ишқ концептининг мультисемантик табиати.

Форс-тожик шеъриятида “ишқ” концепти полисемик имконият ва янги интерпретациялар қилишга очик. Бу ҳолат семиотик ортиқчалик (semantic surplus) сифатида тушунилади:

- бир рамз бир неча маънога эга,

- маъно доимий эмас, уни матн ва ўқувчи ўртасидаги интеракция шакллантиради. Мисол учун, Румий ва Ҳофиз шеъриятида ишқ олов рамзи сифатида тасвир этилади. Бу ерда *олов*:

- илҳом рамзи – инсоний ҳис-туйғу;

- илоҳий рамзи – трансцендентал энергия;

- поэтик рамзи – экзистенциал оғрик ва экстаз.

Шу тариқа, “ишқ” концепти рамзлар орқали мультисемантик жараёни яратади ва унинг маъноси чексиз интерпретацияга очик бўлади.

7. Герменевтик муаммо: ишқ маъносининг чексиз интерпретацияси.

“Ишқ” концептининг яна бир муҳим жиҳати – унинг герменевтик очиклигидир. Яъни, *ишқ* ҳақидаги матнлар ягона маънога эга бўлган ҳолда бошқа талқинлар йўлини ёпиб қўймайди, аксинча, яна кўшлаб талқинларга йўл очиб беради. Пол Рикёр таъкидлаганидек, “Символ фикрлашга мажбур қилади” [10:15]. Бу назарияга кўра, символик матнлар доимо ортиқча маъно (surplus of meaning)га эга бўлади. Мумтоз шеъриятдаги *ишқ* образлари айнан шундай хусусиятга эга. Шу сабабли ҳар бир ўқувчи *ишқ*ни ўзича тушунади; уни тушуниш ва янада чуқурроқ англаш жараёнида доим қайта янги маъно ишлаб чиқилади; “тўғри талқин” тушунчаси нисбий характер касб этади.

Бу ҳолат “ишқ” концептини эпистемологик ва герменевтик талқин жиҳатдан ноаниқ ва очик тизимга айлантиради.

8. Ирфон ва поэтика ўртасидаги трансгрессия.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, *ишқ* на фақат ирфоний тажриба, на фақат поэтик конструкция, балки улар ўртасидаги трансгрессив ходисадир. Яъни, *ишқ* маърифатга олиб боради (Ирфон), лекин асосан

шеърият (поэтика) орқали ифода этилади. Бу ҳолат филология учун жуда муҳим, чунки *ишқ*ни тушуниш – бу матнни тушуниш демақдир.

Хулоса

Юқоридаги таҳлиллар асосида куйидаги илмий хулосаларга келиш мумкин:

- *Ишқ* – билишнинг нораціонал, ирфоний шаклидир.
 - У тил орқали тўлиқ ифода этилмайди, балки поэтик кодлар орқали намоён бўлади. Бу поэтик кодлар поэтик образлардир.
 - “Ишқ” концепти семиотик тизим сифатида қўлланилади.
 - “Ишқ” концептининг маъноси герменевтик жиҳатдан очиқ ва чексиздир;
 - *Ишқ* – Ирфон ва поэтика ўртасидаги трансгрессив категориядир.
 - *Ишқ* концепти матнда тайёр маъно сифатида мавжуд эмас;
 - *Ишқ* талқинида маъно ўқувчи / шарҳловчи орқали ишлаб чиқилади;
 - *Ишқ* баёнида поэтик рамзлар ва образлар семиотик ортикчаликга асосланган;
 - мажоз ва ҳақиқат бинарлиги, маъшук образининг онтологик ноаниқлиги бу жараёнда муҳим рол ўйнайди;
- Демак, “ишқ” концепти – поэтика ва семиотика ўртасидаги динамик жараён. Бу ҳолат филология ва матншунослик учун муҳим: “ишқ” концепти филологик ва фалсафий тадқиқот объекти сифатида фақат мазмун эмас, балки *маъно яратиш* механизми сифатида таҳлил қилиниши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аттор, Фаридиддин. Мантиқ ут-тайр. – Техрон: 2004.
2. Девони Ҳофиз. Тасқеҳ ва танқеҳи Сайид Муҳаммади Ростгў. – Техрон: “Нашри хуррам”, 1370.
3. Ибн ал-Арабий. Ал-Футухот ал-Маккийя. Ж.1.- Бейрут: Дар ас-Содир, 1999.
4. Навоий, Алишер. Лисон ут-тайр. – Тошкент: 1984.
5. Румий, Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Дафтари якум. / Муқаддима, тасқеҳ, таълиқот, феҳрастҳо аз: Муҳаммад Истеъломий. – Техрон: “Сухан”, 1379.
6. Румий, Жалолиддин. Маснавий маънавий. – Техрон: Амир Кабир, 2003.
7. Саъдий Шерозий. Бустон. – Техрон, 2002.

8. Ҳофиз Шерозий. Девон. – Техрон, 2001.
9. Lotman, Yuri. Universe of the Mind. – London, 1990.
10. Ricoeur, Paul. The Symbolism of Evil. – Boston: Beacon Press, 1967.
11. Schimmel, Annemarie. Mystical Dimensions of Islam. – Chapel Hill, 1975.
12. Chittick, William. The Sufi Path of Knowledge. – Albany, 1989.
13. مولوی جلال الدین محمد، دیوان شمس، به تصحیح بدیع الزمان فروزانفر، تهران، انتشارات پیام عدالت، 1392
14. مولوی، جلال الدین محمد، مثنوی معنوی، به تصحیح رینولد آلن نیکلسون، تهران، انتشارات نگاه، 1361